

КУТУБХОНАНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҲАЁТИ

8 январь куни
Ўзбекистон
Республикаси
Қуролли Кучлари
ташкил
этилганининг
24 йиллиги
ҳамда Ватан
ҳимоячилари
қунига бағишлаб
«Тинчлик учун
курашмоқ керак»
мавзусида
учрашув бўлиб
ўтди



Ўзбекистон Миллий кутубхонасида 2016 йил учун мўлжалланган маънавий-маърифий ишлар режаси асосида биринчи чоракда талайгина тадбирлар бўлиб ўтди. Жумладан, январь-март ойлари оралиғида илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, хотира кечалари, адабий ва мусиқий кечалар, дўстлик фестивали, китоб тақдимотлари, библиографик обзорлар ва китоб-расми кўргазмалар ташкил этилган бўлиб, унда олимлар, соҳа мутахассислари, шоиру ёзувчилар ва Миллий кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Тадбирлар муҳим ва унутилмас саналар ва таниқли инсонларга бағишланган бўлиб, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиб беришни, кутубхона фойдаланувчиларини уларнинг ижоди билан таништиришни мақсад қилган.

Январь

7 январь куни Уильям Шекспирнинг «Гамлет» асари ҳақида китобхонлар клубининг адабий кечаси бўлиб ўтди. Британия Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган бу учрашувни Тошкент шаҳридаги Халқаро вестминстер университети ўқитувчиси Розалия Зирянова олиб борди. Тадбир аввалида китобхонлар

«Гамлет» фожиасини қачон ва қаерда ўқишганликларини инглиз тилида гапириб бердилар. Р. Зирянова фожиа тафсилотларига дахлдор саволлар билан мурожаат этди ва китобхонлар клуби аъзоларининг мазкур асар билан қай даражада танишганликларини аниқлади. Сўнгра фожиада келтирилган образлар муҳокама этилди ва асардан У.Шекспир томонидан уларга берилган хarakterистикаларга мурожаат этилди. Китобхонлар клуби аъзолари инглиз тилида тарқатилган шеърий парчаларни ўз она тилларига таржима қилдилар ва уларни ролларда ижро этдилар. Тадбир сўнггида У.Шекспирнинг «Гамлет» фожиаси асосида турли йилларда ва турли киностудияларда суратга олинган бешта фильмдан парчалар намойиш этилди.

8 январь куни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 24 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари қунига бағишлаб «Тинчлик учун курашмоқ керак» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси ва Ўзбекистон мудофаасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбирда Қуролли Кучлар академияси тингловчилари, сержантлар, муддатли ҳарбий хизматчилар, Тошкент ахборот





технологиялари университети махсус факультети курсантлари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш Маркази кафедра мудир Б.Тошев Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ҳақидаги маърузаси билан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Тўра Мирзо, Шукур Қурбон ва 243 мактаб 4 синф ўқувчиси, ёш истеъдод соҳибаси Мунаввара Эркиновалар ўз қаламларига мансуб шеърлар билан, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» марказининг бирлашган техника мактаби ўқувчилари ўз чиқишлари билан иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари марказий ашула ва ракс ансамбли хонандаларининг музикий чиқиши тадбирга байрамона тус берди.

15 январь куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовнинг 85 ёшга киришига бағишланган «Алломанинг сабоқлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, тилшунос олимлар, адабиётшунослар, адиблар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида устоз олимнинг маслақдош дўстлари, шогирдлари ва оила аъзолари сўзга чиқиб, унинг илмий ва инсоний ҳислатларини эътироф этишди, ўзбек адабий танқиди анъаналарини маҳорат билан давом эттириб келаётган забардаст олимнинг асарлари, мақола ва эсселари, змонавий адабий жараён ҳамда янги ўзбек дабиёти тарихи, тараққиёти масалларига бағишланган унинг қаламига мансуб миллий адабиётимизнинг нодир асарлари таҳлили, ўзига хос талқини, бу адабиётнинг ўнлаб намоёндалари адабий портретлари, янги ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт тамойилларига

оид илмий-назарий ишларининг аҳамияти ҳақида гапирдилар.

21 январь куни адабиётшунос, манбашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, филология фанлари доктори Азизхон Қаюмовнинг 90 ёшга кириши муносабати билан илмий-амалий конференция ва китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос, навоийшунос, тилшунос олимлар, адиблар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Конференцияда Азиз Қаюмовнинг маслақдош ҳамкасблари, давомчилари ва шогирдлари маърузалар билан иштирок этдилар. Улар ўз чиқишларида устозни муборакбод этдилар, ўз ҳаётларида, илмий изланишларида унинг йўл-йўриқлари, ўғитлари ва насихатларининг ўрни илмий ва ижодий ҳамкорлик чоғларида бўлиб ўтган қизиқарли воқеалар ҳақида сўзладилар.

22 январь куни «Олтин қалам» давлат мукофоти совриндори, таниқли режиссёр Ҳамид Қахрамонов билан «Саҳна орти қахрамони» мавзусида ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда режиссёрнинг ҳамкасб дўстлари, устозлари, шогирдлари, Тошкент театрлари артистлари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тадбир аввалида режиссёр Ҳамид Қахрамонов ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи «Сарҳисоб» ҳужжатли фильми намоиш этилди. Унда ижодкорнинг 50 йиллик касбий фаолиятининг қувончу ташвишлари ҳақида дўстлари ва ҳамкасблари, таниқли ёзувчилар, актёрлар ва режиссёр ижоди билан ўртоқлашдилар.

Ижодий учрашувда театр актёрлари ва ижодкорнинг касбдош дўстлари сўзга чиқдилар. Ўзбек телевидениеси олтин фондида сақланувчи, ўзбек театр ва кино санъати намоёндалари, саҳна усталари ҳақида яратилган кўпгина кўрсатувлар унинг ижод намунасини сидир.

28 январь куни Ўзбекистон Миллий кутуб-

21 январь куни адабиётшунос, манбашунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар Академияси академиги, Азизхон Қаюмов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан илмий-амалий конференция бўлиб ўтди

28 январь куни профессор Дилфуза Раҳматуллаеванин «Санъатга бахшида умр. Яйра Абдуллаева» номли китоби тақдимоти ва Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди

«Ахлоқшунос мутафаккир» мавзусида олим, донишманд Унсур ал-Маолий Кайковус таваллудининг 995 йиллиги муносабати билан библиографик обзор ва китоб-расмли кўргазма бўлиб ўтди

8 февраль куни «Алишер Навоий ижодининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти» мавзусидаги республика илмий анжумани бўлиб ўтди

хонасида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Дилфуза Раҳматуллаеванинг «Санъатга бахшида умр. Яйра Абдуллаева» китоби тақдироти ва Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тақдиротда санъатшунослик фанлари доктори, профессор Д. Раҳматуллаева китобнинг ёзилиш жараёни, унда ҳикоя қилинаётган маълумотлар ва Я. Абдуллаева билан ижодий ҳамкорлик ҳақида сўзлаб берди. Ўз ўрнида Я. Абдуллаева ҳам уруш йилларида ўтган болалик даври ҳақида, Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонлик санъат намоёндалари труппасидаги иштироки, А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида ўтган талабалик даври, академик драма театрида ўйнаган биринчи роли, устозлари, касбдошлари ва издошлари ҳақида сўзлаб берди.

Февраль

Мамлакатимизда ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг 575 йиллиги кенг нишонланаётган кунларда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ҳам қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Хусусан, 8 февраль куни «Алишер Навоий ижодининг маънавий ҳаётимиздаги аҳамияти» мавзусидаги республика илмий анжумани бўлиб ўтди. Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур анжуманда навоийшунос олимлар, адабиётшунослар, тарихчилар, тилшунослар, илмий тадқиқотчилар, ОТМ профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар. Конференцияда Алишер Навоийнинг адабий ва илмий мероси, ўзбек адабиёти равнақида қўшган хиссаси, унинг оламшумул аҳамиятга молик ижоди, мутафаккир асарларининг Европа адабиётига таъсири, унинг ижо-

ди фаннинг бошқа соҳалари билан узвий боғланганлиги, бошқа тилларга таржима қилинган асарлари, унинг дунё кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмалари, шунингдек, Алишер Навоий адабий меросининг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни мавзусида маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар «Хамса»да ижтимоий муаммоларнинг ёритилиши, Алишер Навоий асарларини ўрганиш бўйича фразеологик луғатнинг тузилишига доир масалалар тўғрисида фикр билдирилди.

11 февраль куни «Ахлоқшунос мутафаккир» мавзусида олим, донишманд Унсур ал-Маолий Кайковус таваллудининг 995 йиллиги муносабати билан библиографик обзор ва китоб-расмли кўргазма бўлиб ўтди.

Кутубхона фойдаланувчилари учун библиографик обзорни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Шукур Қурбон олиб борди. У тингловчиларга амалий фалсафа муаммоларини ўрганиш билан шуғулланган ўрта аср Шарқ мутафаккирлари вакили Унсур ал-Маолий Кайковуснинг ўзига хос адабий йўналиши ҳақида ҳикоя қилиб берди. Кайковуснинг ҳаёти ва ижоди бутун дунё шарқшуносларининг диққатини ҳамиша ўзига тортиб келган. А.Е. Кримский, Р.Ш. Сотволдиев, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, Э.Браун ва бошқа шарқшунос олимлар эса Кайковуснинг «Қобуснома»сини ўрганиш устида тадқиқот ишларини олиб борганлар. Улар Кайковусни олим, истеъдодли шоир, кўп йиллар давомида барча хаттотларга намуна бўлган моҳир хаттотлигини эътироф этганлар.

15 февраль куни Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр, театр ва кино актёри Сайфи Олимовнинг 115 йиллигига бағишланган библиографик обзор бўлиб ўтди. Тадбирда актёр ижодининг ихлосмандлари, театр санъатини ўрганаётган ўқувчилар ва талабалар иштирок этдилар. Йиғилганлар актёрнинг ҳаёти, ижод йўли, у ижро этган роллар ва ўзи





саҳналаштирган спектакль ва фильмлари ҳақида, шунингдек Сайфи Олимовнинг жамоат ишлари, унинг ўзбек халқининг машҳур шахслари ҳақида фильмлар ҳақида маълумот олишди. Суҳбат чоғида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат этдилар ва батафсил жавоблар олдилар.

16 февраль куни буюк ўзбек шоири, мутафаккир, тарихчи, давлат арбоби, Бобурийлар сулоласи асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган куннинг 533 йиллиги муносабати билан «Шоҳ ва шоир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда таниқли бобуршунос олимлар, тарихчилар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий тиббиёт факультети курсантлари, П.Ф.Боровский номидаги Тошкент тиббиёт коллежи ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар Бобурнинг ҳаёти, давлат арбоби сифатидаги ва ижодий фаолияти, унинг адабий, илмий ва фалсафий-диний асарлари ҳақида ҳикоя қилдилар. Бобуршунос олим, профессор Абдулла Аъзам Бобурнинг серқирра ижоди ва бой маънавий мероси ҳақида сўзлади.

Таниқли журналист Турсунбой Қоратоев Бобурнинг буюк Темурийлар сулоласи тарихи, салтанатнинг вужудга келиш ва Темурийлар ва Бобурийлар ҳукмронлиги давридаги тарихий воқеалар акс этган «Бобурнома» ҳақида гапирди. Шоир Тўра Мирзо Бобурнинг туркий арузнинг табиати, тараққиёти ва шеъррий асарлардаги кўринишлари, арузнинг 272 вазни ва 21 баҳрига илмий шарҳлар берилган «Рисолаи аруз» асари ҳақида сўзлади. Хонанда Аҳрор Раҳмонов ижросидаги Бобур рубоий ва ғазалларига басталанган кўшиқлар давра суҳбатига байрамона шукуҳ бағишлади.

22 февраль куни Халқаро она тили кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон миллий маданий марказлар вакилла-

ри, кутубхона фойдаланувчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Тадбирни ўтказишдан мақсад – ҳар бир мамлакатнинг ўз тилини, тил ва маданий меросини, маданиятлараро муносабатларни сақлашга бўлган эътиборига алоҳида урғу бериш. Тадбирда яҳудий, украин, татар, бошқирд, рус маданий марказлари қатнашчилари ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида фаолият олиб бораётган «Мараги» корейс тили сўзлашув клуби иштирокчилари ўз бадиий чиқишлари орқали бошқа миллат вакилларини Халқаро она тили куни билан қутладилар ва унинг моҳияти, халқлар ўртасидаги маданий ва иқтисодий алоқаларни тараққий этишидаги аҳамияти ҳақида гапирдилар. Миллий маданий марказлар вакиллари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ўз она тиллари, бой маданий ва маънавий мерослари, уларга нисбатан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳақида гапирдилар.

26 февраль куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида украин шоираси, драматург, танқидчи, жамоат арбоби Леся Украинка таваллудининг 145 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Украинанинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари, «Славутич» – Украин миллий маданий маркази қатнашчилари, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи украинлар ҳамда кутубхона фойдаланувчилари иштирок этишди. Тадбирда Украинанинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. Савченко украин халқи шоираси Леся Украинканинг мураккаб ҳаёт йўли ва бой маданий мероси ҳақида сўзлар экан, қуйидагиларни таъкидлади: «У поэзия, лирика, эпос, драма, проза, публицистика каби турли хил жанрларда ижод қилди. Шунингдек, фольклоршунослик соҳасида ҳам фаолият юритиб, украин миллий маданиятини ривожлантиришда фаол иштирок этди. Ўрта аср ва антик даврга оид драмалар яратар экан, Украинка ўз халқини

16 февраль куни буюк ўзбек шоири, мутафаккир, тарихчи, давлат арбоби, Бобурийлар сулоласи асосчиси Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 533 йиллиги муносабати билан «Шоҳ ва шоир» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди

22 февраль куни Халқаро она тили кунига бағишланган яна бир тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон миллий маданий марказлар вакиллари, кутубхона фойдаланувчилари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар

26 февраль куни украин шоираси, драматург, танқидчи, жамоат арбоби Леся Украинанинг 145 йиллигига бағишланган тадбирда Украинанинг Ўзбекистондаги дипломатик корпуси вакиллари, «Славутич» Украин миллий маданий маркази қатнашчилари, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи украинлар ҳамда кутубхона фойдаланувчилари иштирок этишди

2 март куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, журналист, актёр, режиссёр, бадиий сўз устаси Убайдулла Бурҳоновнинг 95 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди

жаҳон маданияти хазинаси билан таништирди, украин поэзиясини бойитди ва ўз ўқувчилари дунёқарашини кенгайтирди». Тадбирда Леся Украинка ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш қилинди, шоиранинг шеърлари янгради, «Черёмшина» ва «Лаванда» ансамбллари қатнашчилари Леся Украинанинг шеърига басталанган кўшиқлардан ижро этишди.

Март

1 март куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Зухриддин Исомиддинов ўзбекчалаштирган «Тўқтағул: кўшиққа эврилган, куйларга тўкилган умр» китоби ўзбек тилидаги таржимасининг тақдими бўлиб ўтди. Унда туркийшунос олимлар, тилшунослар, таржимонлар, адабиётшунослар ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар Тўқтағулнинг қирғиз маданий меросига кўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар. Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев Тўқтағулнинг ҳаёти даврлари, шу даврларда яратилган шеър ва кўшиқлари ҳақида ҳикоя қилувчи бағишлов-китобнинг аҳамиятини эътироф этди: «Мазкур китобда олимлар Тўқтағул ижодига мансуб қирғиз куй-кўшиқларни, мақол ва маталларни таҳлил этдилар. Китобда шунингдек, шоир дostonларига оқинлар айтишувларига шарҳлар берилган», дея эътироф этди.


2 март куни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, журналист, актёр, режиссёр, бадиий сўз устаси Убайдулла Бурҳоновнинг 95 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли маданият ходимлари, оммавий ахборот воситаси фидойилари, журналистлар, операторлар, дўстлари, маслакдошлари ва шогирдлари, коллеж ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар ижодкорнинг Ўзбекистон телевидениесида қизғин

ижодий муҳитни шакллантиришидаги ўрни, илк ўзбек миллий сериаллар яратишда серкирра ижодкор ва раҳбар сифатидаги роли, у билан ижодий ҳамкорлик, унинг ҳамкасбларга, шогирдларга муносабати, суҳандонлар мактабининг ташкил этишдаги роли, унинг ўз сўзлари ва амаллари билан атрофидагиларга ибрат бўлганлигини алоҳида эътироф этдилар. Тадбир иштирокчиларига Убай Бурҳон ижодини ёритувчи фильм намойиш этилди.

3 март куни ўзбек дорбозлар сулоласи асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти, Меҳнат Қаҳрамони Ташканбой Эгамбердиев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди. Тадбирда Ташканбоевлар сулоласи вакиллари, санъатшунослар, Тошкент давлат санъат ва маданият институти талабалари, Тошкент эстрада-цирк коллежи ўқувчилари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Хотира кечасида Ташканбоевлар сулоласи вакиллари сўзга чиқиб, ўзбек дорбозлари сулоласи асосчиси, Меҳнат Қаҳрамони Ташканбой Эгамбердиевнинг ўзбек цирки равнақига кўшган ҳиссаси, ўзбек цирк тарихида қолдирган ўрни ва ёш вакилларининг фаолияти, халқаро цирк санъати фестивалларидаги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилиб бердилар.

5 март куни эстрада хонандаси Шухрат Дарё билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда санъатшунос олимлар, шоирлар, бастакорлар, мусиқачилар иштирок этдилар. Хонанда Шухрат Дарё ўзининг мусиқага бўлган қизиқишлари ва ҳамisha қалб торларини жунбишга келтирган сўзларга мусиқа басталанини, кўшиқларининг сўзларига ўта талабчанлиги, шогирдларига бўлган муносабати ҳақида сўзлади. Ўз ўрнида, хонанда «Шаббода», «Сўзласанг», «Лолақизгалдоқ», «Юрак» ва бошқа кўплаб кўшиқларини армуғон этди.

10 март куни Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошидаги «YS – your school» инглиз тили





сўзлашув клубининг «Ёшларда медиа ва ахборот маданиятини шакллантириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси қошида ташкил этилган чет тилларни оммалаштириш ва ривожлантириш маркази «YS – your school» томонидан ташкил этилган тадбирда инглиз тили сўзлашув клубининг доимий аъзолари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. «Your school» маркази спикерлари О. Тоштемиров ва Т. Умаровлар ёшлар билан Интернет тармоғининг фойдали ва зарарли томонлари, ҳозирги кунда долзарб бўлмиш – ёшларни но-соғлом ахборотлардан ҳимоялаш зарурлиги, уларнинг маънавий-маърифий тарбиясига зид тармоқларнинг таъсири ва ёшларда пайдо бўлаётган Интернетга тобелиги ҳақида суҳбатлашдилар. Инглиз тилида ўтган суҳбатнинг қатнашчилари ўз фикрлари ва далиллари баён этдилар ва ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

11 март куни хитой ёзувчиси Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» номли ўзбек тилидаги китобининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбирда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ходимлари, «DAVR PRESS» нашриёт-матбаа уйи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари аъзолари, журналистлар, хитойшунос олимлар, таржимонлар ва талабалар иштирок этдилар. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик, сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишида маданий алоқаларнинг муҳим ролини таъкидлади. «Мушуклар шаҳри хотиралари» асари билан замонавий хитой адабиётининг устаси – Лао Шэ сатирик ёзувчи қандай бўлиши кераклиги ҳақида сўзлади. «Мен хитой халқи ёзувчисининг китобини Ўзбекистонда тақдим этилаётганидан мамнунман. Ўз ўрнида, мен ҳам ўзбек

адабиётига муҳаббатим чексизлигини изҳор этмоқчиман. Мен ўз фаолиятимда Алишер Навоий, Бобур ва бошқа шоиру ёзувчилар ижодига мурожаат этиб тураман», – деди Сунь Лицзе. Тақдимотда сўзга чиққанлар хитой модернизм адабиёти вакили Лао Шэнинг ижоди, унинг асарларидаги асосий ғоялар, унинг кўплаб тилларга, жумладан, ўзбек тилига, таржима қилинган машҳур асарлари, Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» романпамфлетиди фантастика ва ҳажв орқали жамиятнинг иллатларини очиб бергани ва хитой миллий характерини тасвирлагани ҳақида сўзладилар.

11 март куни украин шоири ва rassоми Тарас Григорьевич Шевченко таваллудининг 202 йиллиги муносабати билан адабий-музика кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги Украина Республикаси элчихонаси ва «Славутич» украин миллий маданий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда адабиётшунос олимлар, таржимонлар, шоирлар, музика жамоалар, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи украин миллати вакиллари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар. Улар Тарас Шевченконинг украин адабиётига қўшган ҳиссаси, шеърларидаги илҳомлантирувчи куч, шунингдек, rassом сифатида ранг-тасвир санъатида қолдирган изи ҳақида гапирдилар. «Славутич» украин миллий маданий маркази раҳбари В.Ф. Бойко шундай деди: «Тарас Шевченко ижоди украин романтизм адабиётининг асл намунаси сифатида танилди ва уни дунёга танитди. Шевченко ижодининг ўзига хослиги – поэтик образларнинг содда ва оддийлиги, шахс психологиясини тўлиқ очиб беришидир». Тадбирда «Лаванда» ва «Черемшина» украин этнографик жамоалари ўз шеърлари ва шоир Шевченко шеърларига бастанланган ашулаларини тақдим этдилар. Шундан сўнг Тарас Шевченко ҳаёти ва ижод йўли ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий фильм намойиш этилди.

3 март куни ўзбек дорбозлар сулоласи асосчиси, Ўзбекистон ва Россия халқ артисти, Меҳнат Қахрамони Ташкенбай Эгамбердиев таваллудининг 150 йиллига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди

11 март куни хитой ёзувчиси Лао Шэнинг «Мушуклар шаҳри хотиралари» номли ўзбек тилидаги китобининг тақдими бўлиб ўтди

Миллий кутубхонада эстрада хонандаси Шухрат Дарё билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда санъатшунос олимлар, шоирлар, бастакорлар, мусиқачилар иштирок этдилар



24 март куни Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг 75 ёшга киргани муносабати билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда адабиётшунослар, шоирлар ва ёзувчилар, журналистлар ва таржимонлар, талабалар ва коллеж ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида шоирнинг ижодий йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмдан парча намойиш этилди.

Ижодий кечада сўзга чиққанлар Абдулла Ориповнинг ҳозирги ўзбек адабиёти ва замонавий таржимашунослик ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўзладилар. Филология фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев Абдулла Орипов асарларининг миллий руҳиятга таъсири, миллий маънавиятнинг шаклланишидаги ролини алоҳида таъкидлади. Абдулла Ориповнинг ўз шеъриятида сўз ва ибораларнинг ишлатилишида ўзига хос бадиий ёндошуви тўғрисида сўзлади.

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим Абдулла Орипов шеъриятида руҳ озодлиги талқини ҳақида сўзлаган бўлса, Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон Абдулла Ориповнинг жонкуяр ва ғамхўр устоз сифатидаги ҳисларига алоҳида тўхталди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов йиғилганларни қутлади ва: «Ижодим мухлислари билан учрашув айнан Ўзбекистон



Миллий кутубхонасида ташкил этилганлигидан беҳад мамнунман. Ўз ўрнида мен ҳам бугунги кунда Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир ва бошқа устозларимни тилга олмоқчиман. Улар менга адабиётда ҳақ йўлни кўрсатдилар, самимий сўзлари ва доно маслаҳатлари билан ҳамиша қўлладилар. Халқимиз ҳамиша ўз аجدодларига муносиб бўлиб келган. Ўз шеърларимда мен ўзбек халқининг матонатини, бой ақл-заковатини, кучли иродасини, юртимиз бойлиги ва гўзаллигини таърифлашга ҳаракат қиламан», деди. Шунингдек, Абдулла Орипов миллий маънавиятимиз ва ҳозирги замон адабиётининг вазифалари ҳусусида сўзлади ва янги шеърларини йиғилганларга армуғон этди.

29 март куни Ўзбекистон халқ артисти, қўшиқчи ва раққоса, балетмейстер, ўзбек профессионал рақси асосчиларидан бири Тамарахоним таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан хотира кечаси бўлиб ўтди. Унда санъатшунос олимлар, хореографлар, раққосалар, журналистар ва Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари ва кутубхона фойдаланувчилари иштирок этдилар.

Тадбир Тамарахонимнинг ёрқин ижодига бағишланган ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди. Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари

Украин шоири ва расоми Тарас Григорьевич Шевченко таваллудининг 202 йиллиги муносабати билан адабий-мусиқий кечада адибнинг украин адабиётига қўшган ҳиссаси, унинг шеърларидаги илҳомлантирувчи куч, шунингдек, унинг расом сифатида рангтасвир санъатида қолдирган изи ҳақида гапирдилар





эса Тамарахоним саҳналаштирган «Дилбарим» ва «Пилла» рақсларини ижро этдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева устози тўғрисида: «Тамарахоним доира садоларига рақсга тушишни жуда яхши кўрар эдилар. Бунда нафақат тана ҳаракатини, балки кўзлар ифодасини ҳам томошабинларга етказиб бериш мумкин, дер эдилар. Ҳар бир гастроль сафаридан у янги ашула ва рақс билан қайтар эди. У нафақат ўша миллат рақс кўринишини, балки оёқ ташлаш, кўз қарашларини ҳам ўзлаштирар эди», деди.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Шокиров иштирокчиларга Тамарахонимнинг лапар-фольклор йўналишидаги ижоди, ёши, миллати ва ижтимоий табақасидан қатъий

назар, томошабинларнинг олдида рақсга тушишни яхши кўргани борасида гапириб берди.

Тошкент давлат Миллий рақс ва хореография олий мактаби санъатшунослик кафедраси доценти Людмила Ражабова Ўзбек хонандаси, раққосаси ва балетмейстери Тамарахонимнинг ҳаёт йўли, болалик йиллари, рақсга кириб келиши, концерт гуруҳлари, ўзи тузган профессионал рақс дасталари ва Ўзбек хореографик таълим назариясига қўшган ҳиссаси хусусида ҳикоя қилди.

Хотира кечаси доирасида Тамарахонимнинг 110 йиллигига бағишланган «Саҳнада ҳам, ҳаётда ҳам қаҳрамон» деб номланган китоб-расми кўргазма очилди.

Согласно плану духовно-просветительных мероприятий на 2016 год в Национальной библиотеке Узбекистана в первой четверти текущего года были проведены мероприятия: встречи, творческие вечера, вечера памяти, научно-практические семинары, тренинги, беседы за круглым столом, музыкальные вечера, фестиваль дружбы, презентации книг, библиографические обзоры и выставки литературы.

В январе прошла встреча на тему «За мир надо бороться», организованная совместно с Академией Вооружённых Сил Республики Узбекистан и Центральным советом организации содействия обороне «Ватанпарвар»; круглый стол на тему «Уроки учёного», посвящённый 85-летию заслуженного деятеля науки Узбекистана, учёного литературоведа, д.ф.н., профессора Умарали Норматова; научно-практическая конференция и выставка книг в честь 90-летия заслуженного деятеля науки Узбекистана, академика АН Узбекистана литературоведа, источниковеда, д.ф.н. Азизхона Каюмова; творческая встреча с известным кинорежиссёром, обладателем премии «Олтин калам» Хамидом Кахрамоновым под названием «Герой вне кадра»; презентация книги искусствоведа, профессора Д. Рахматуллаевой «Яйра Абдуллаева. Санъатга бахшида умр» и творческая встреча с народной артисткой Узбекистана Яйрой Абдуллаевой; творческая встреча и литературный вечер в честь 75-летия Героя Узбекистана, народного поэта Узбекистана Абдуллы Орипова и вечер памяти, посвящённый 110-летию народной артистки Узбекистана, певицы, танцовщицы, балетмейстера, основоположницы узбекского профессионального танца Тамары Ханум.

В свете празднования 575-летия со дня рождения Алишера Навои прошли: литературный вечер на тему «Значение идеи добра произведений Навои в воспитании молодёжи в патриотическом духе», научная конференция на тему «Султан поэтов», республиканская научная конференция на тему «Роль творчества Алишера Навои в духовной жизни современности», духовно-просветительское мероприятие на тему: «Алишер Навои - султан газелей», а также, литературный вечер на тему «Роль и значение творческого наследия Захириддина Мухаммада Бабур в достижении совершенства молодёжи», приуроченный 533-летию со дня рождения узбекского поэта. ■